

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2019 у.г. «15» июнь

№ 144-к Каттакo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун Каттакo'rg'on шахридаги ер участкасини доимий фойдаланишга бериш мақсадида “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-апрелдаги “Тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли ҳамда 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойихаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3939-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30-июндаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “YER ELEKTRON” тизимидан олинган Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарори низомининг 1-боб 3-бандида кўрсатиб ўтилган ваколатли органлар ва ташкилотларнинг хулоса ва келишувларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун 1718406-ZU/14886 рақамли бўш ер участкасини доимий фойдаланишга бериш мақсадида “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга рухсат берилсин.

2. “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотишга қўйилган ер участкасининг параметрлари қуйидагича кўрсатиб ўтилсин:

а)	Бўш ер участкасининг ўзига хос рақами	1718406-ZU/14886
б)	Бўш ер участкасининг жойлашган манзили	Каттакo'rg'on шахар Ингичка кўрғони Нуробод маҳалласи Ўзбекистон кўчаси

в)	<i>Бўш ер участкасининг майдони (гектарда)</i>	0.05 га
г)	<i>Бўш ер участкасининг белгиланган мақсади</i>	Курилиш материалларини ишлаб чиқариш цехи
д)	<i>Бўш ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйиш учун асос</i>	Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939 сонли Қарори
е)	<i>Ер участкасининг минимал қиймати шундан,</i>	1 559 781,0 (бир миллион беш юз эллик тўққиз минг етти юз саксон бир) сўм
	<i>0,05 га ер майдони учун йиллик солиқ ставкаси</i>	748 861,0 (етти юз қирқ саккиз минг саккиз юз олтмиш бир) сўм
	<i>Ер участкаларини танлаш материалларини тайёрлаш харажатлари</i>	810 920,0 (саккиз юз ўн минг тўққиз юз йигирма) сўм Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари
ж)	<i>Аукцион шакли</i>	Очик
з)	<i>Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи эгасининг мажбуриятлари, шунингдек, ажратилган ер участкасида объектлар ва иншоотларни қуриш муддатларига оид талаблар</i>	а) инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар (<i>асос: шаҳар ҳокимининг 2019 йил 9 июндаги 1345-Қ-сонли қарори</i>): - киритиладиган инвестиция миқдори – 80 млн. сўм; шундан ташаббускор томонидан лойиҳани умумий қийматига ўз маблағларини жалб этиш миқдори, шу жумладан тўғридан тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар (камида %-фоизда) 50 % - объектлар ва иншоотларни қуришни яқунлаш муддати – 10.09.2020 йил; - яратиладиган иш ўринлари (камида) – 3 та; б) ер участкаси аукцион ғолибига бир йилгача муддатда олдиндан захирага олиш шартларида, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг доимий фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади; в) шаҳарсозлик ва бошқа нормалар ҳамда қондаларга шунингдек, ваколатли ташкилотлар ҳулосаларида қайд этилган мажбуриятларга қатъий риоя этиш.
и)	<i>Ер участкаси бўйича мавжуд чекловлар</i>	Курилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри, ёнгин хавфсизлиги, санитария-эпидимология назорати, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳулосаларидаги қайд этилган чекловларга риоя этиш.
й)	<i>Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва тартибига тааллуқли бошқа ахборот</i>	Ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган шартларга риоя этилмаган, инвестиция шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвесторнинг харажатлари қопланмаган ҳолда ер участкаси қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилади; Объект қурилиши “Йўл харитаси”да белгиланган босқичлар ва муддатларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши ва қурилиш ишларини белгиланган муддатда тулик яқунлаш талаб этилади. инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш даврида ер участкасидан, шу жумладан унда қурилган бино ва иншоотларни инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилгунга қадар бегоналаштириш, гаровга қўйиш, юридик шахсларнинг устав фондларига киритиш ёки бошқача тарзда тасарруф этилишига йўл қўйилмайди.


3. Шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қошидаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК ўртасида тузилган шартномага мувофиқ мазкур ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини электрон аукционда реализация қилиш учун ушбу буюртманомга тақдим этилсин.

4. Каттақўрғон шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (У.Туроповга) бўш ер майдонига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукционга қўйилиши тўғрисидаги ахборотни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида тарқатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Изоҳ: Мазкур бириктирилган шахслар бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнида ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Шаҳар ҳокими:



М.Хашимов